Бепуштликларнинг этиологиясида акушер-гинекологик касалликлар (тухумдон, тухум йўллари, бачадон, қин ва сут бези касалликлари) асосий ўринни эгаллайди ва ушбу касалликлар оқибатидаги бепуштликлар 15-35 % ни ташкил этиши мумкин [5].

Манбаларда рациондаги каротиннинг танқислиги ретинолнинг организмда эндоген синтези ва захираларининг камайиши ва оқибатда модда алма-

**Summary**

The article presents the results of the study of the etiology, diagnosis, pathogenesis of infertility, clinical and hemotological parameters in infertile milk cows.

шинувларининг издан чиқиши ҳамда бепуштликка сабаб бўлиши қайд этилган [3,4].

**Тадқиқотлар объекти ва услубиятлар.** Соғин сигирларда бепуштликларнинг сабабларини, диагностикаси, усуллари ва патоморфологиясини ўрганиш мақсадида туғишига 2 ой қолган соғиндан чиқарилган бўғоз сигирлардан «ўхшаш жуфтликлар» тамойили асосида «эталон» гуруҳлар ташкил этилиб, клиник-физиологик статус ва қоннинг айрим морфобиокимёвий кўрсаткичлари аниқланди. Сигирлар тукқандан кейин уларнинг уруғлантирилишигача бўлган даврда ҳар ойда бир марта клиник-гематологик текширишлардан ўтказилди, қин орқали ва тўғри ичак орқали текширишлар билан жинсий аъзоларнинг ҳолати ўрганилди.

Озука рационлари таркиби ва тўйимлиги бўйича зоотехникавий таҳлил қилиниб, таркибидаги каротин, кальций, фосфор ҳазмланувчи протеин, қанд, клетчатка миқдорлари аниқланди ва озиклантириш меъёрлари билан таққослаш асосида хайвонлар организми эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси ўрганилди. Сигирларда клиник текшириш усуллари ёрдамида иштаҳа, тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас частотаси, ошқозон олди бўлимларининг ҳолати, қин орқали текшириш билан қин ва бачадон бўйнининг ҳолати аниқланди. Бунда витамин-минерал моддалар алмашинуви бузилишлари ҳамда бепуштликларга хос клиник белгиларнинг бор-йўқлигига эътибор берилди.

**Олинган натижалар таҳлили.** Соғин сигирлар рационни асосан силос-концентрат типиде эканлиги билан характерланиб, озиклантириш меъёрларига нисбатан 0,9 озука бирлигининг камлиги, 71,8 г ҳазмланувчи протеинни етишмаслиги аниқланди. Рационнинг бир озука бирлигига 92,3 г ҳазмланувчи протеин тўғри келди. Озиклантириш меъёрлари бўйича 1 кг озука бирлигига 100-110 г

ҳазмланувчи протеин тўғри келиши энг оптимал миқдор ҳисобланади.

Сигирлар организмнинг энгил ҳазмланувчи углеводларга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиши 70,4 % ни ташкил этди, яъни рациондаги қанд миқдорининг меъёрдан 160 граммга камлиги аниқланди. Қанд-протеин нисбати 1:0,66 ни (меъёрдаги 1:0,8-1,2) ташкил этди. Рациондаги клетчатканинг миқдори 2726 граммни (меъёр - 2850 г), у билан сигирлар организмнинг таъминланиши 95,6 фоизни, каротиннинг миқдори 168,8 мг ни, у билан таъминланиш - 43,8 фоизни ташкил этди.

Соғин сигирлар рационда меъёрларига нисбатан 5,49 г кальций ва 6,3 г фосфорнинг етишмаслиги аниқланди. Сигирларнинг кальций билан таъминланиши 92,1 % ва фосфор билан таъминланиши - 84,2 фоизни ташкил этди. Фосфорнинг кальцийга нисбати 0,52 га тенг эканлиги аниқланди. Сигирларнинг микроэлементларга нисбатан эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси ўрганилганда рационда мис, кобальт, марганец ва рухнинг етишмаслиги аниқланди. Рациондаги миснинг миқдори 57 мг.ни, кобальт шунга мос равишда 9,8 мг, марганец - 264,2 мг, рух - 210,0 мг ни ташкил этди.

Текширишлар давомида сигирларнинг тана ҳарорати ва нафас частотаси физиологик меъёрлар чегарасида бўлди. Ошқозон олди бўлимларининг 5 дақиқадаги қисқаришлари сони ўртача - 6,1 мартани (меъёр 5 дақиқада 8-12 марта) ташкил этди. Ўртача 16,6-50 % ҳайвонда иштаҳанинг ўзгариши (лизуха), 50,0-66,6 % сигирларда шиллиқ пардаларнинг кучли даражада оқариши (алиментар камқонлик), 33,3% сигирларда жинсий рефлексларнинг суст намоён бўлиши кузатилди.

Соғин сигирларда жинсий аъзоларнинг ҳолати тўғри ичак орқали текширилиб, 10 бош сигирда турли гинекологик касалликлар, жумладан: 2 бош сигирда тухумдонларнинг яллиғланиши, 3 бошда – тухумдонлар кистаси, 3 бошда персистент сариқ тана, 1 бошда - тухумдонлар атрофияси ва 1 бош сигирда тухумдонлар циррози аниқланди

Соғин сигирларда текширишларнинг охирига келиб, дастлабки кўрсаткичларга нисбатан қондаги эритроцитлар сонининг ўртача 0,66 млн/мкл, гемоглобинни - 2,1 г/л га камайиши, глюкоза концентрациясининг - 2,02 ва 2,14 ммол/л (меъёр-2,22-3,33 ммол/л) бўлиши, қон зардобдаги умумий оксил миқдорини дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ўртача 4,6 г/л га, ишқорий захирани – 3,5 ҳажм %  $CO_2$  га, умумий кальций ва аорганик фосфорни, шунга мос равишда 0,56 ва 0,43 ммол/л га камайиши харак-

терли бўлди. Бундай ҳолатни сигирлар рационда тўйимли ва биологик фаол моддалар ҳамда минерал моддаларнинг етишмовчилиги, шунингдек, уларнинг организмдаги захираларини камайиб бориши билан изоҳлаш мумкин.

**Хулосалар:** 1. Сигирларда бепуштликларнинг келиб чиқишида бўғозликнинг охириги ойларида сигирлар организмнинг энергетик ва тўйимли моддаларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондирилмаслиги, рационда қанд-оксил ва фосфор-кальций нисбатларининг пастлиги асосий алиментар омиллар ҳисобланиб, моддалар алмашинуви бузилишлари ва жинсий аъзолар жароҳатланиши билан кечадиган мураккаб патология тарзида ривожланади. Сигирларни йил давомида бир жойда сақланиши, мацион ва куёш нурларининг етишмаслиги бепуштликларнинг ривожланишида иккиламчи омиллар ҳисобланади.

2. Сигирларда алиментар бепуштликлар иштаҳанинг ўзгариши, ошқозон олди бўлимларининг гипотонияси, шиллиқ пардаларнинг оқариши, жинсий рефлексларнинг суст намоён бўлиши, қондаги эритроцитлар сони, гемоглобин, глюкоза, ишқорий захира, умумий оксил, умумий кальций ва аорганик фосфор миқдорларининг физиологик меъёрларга нисбатан камайиши, тухумдонлар фаолиятининг бузилиши, жинсий рефлексларнинг кучсиз намоён бўлиши билан характерланади.

3. Сигирларнинг бепуштликлари асосан тухумдонларнинг жароҳатланиши ва функционал етишмовчиликлари билан характерланиб, бунда тухумдонлар кистаси, персистент сариқ тана, тухумдонлар атрофияси ва циррози асосий ўринни эгаллайди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Гавриленко Н.Н. Бесплодие у коров в хозяйствах дальневосточного федерального округа (причины и формы бесплодия, диагностика, прогнозирование, лечение и профилактика). Автореф... дисс.докт вет. наук. Казань, 2011. с. – 30.
2. Кондрахин И.П., Левченко В.И. Диагностика и терапия внутренних болезней животных. М.: Изд.ООО «Аквариум-Принт», 2005.С.-652-664.
3. Махмуд Ахмед Хамид. Минерально-витаминная профилактика и терапия акушерской патологии коров послеродового периода. Дис... канд. вет. наук, 2005.
4. Парашенко Н.С. Профилактика алиментарно-климатического бесплодия у коров голштино-фризской породы. Автореф... канд. вет. наук. Ставрополь, 2008.
5. Эшбўриев Б.М. “Ветеринария акушерлиги” Тошкент.: «Фан ва технология», 2018, 512.



УДК:631.1:636:5.

Қурбон Норбоевич Норбоев, профессор,  
Умид Рахмонов, СамВМИ**ТОВУҚЛАР ГИПОВИТАМИНОЗИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ****Аннотация**

Использование витаминно-минеральных премиксов и биотроников в кормлении кур приводит к улучшению физиологических норм клинико-гематологических показателей, повышению качества и веса яиц на 9,7 г по сравнению с яйцами кур контрольной группы, а также повышению яйценоскости на 18-20%.

**Калит сўзлар.** Гиповитаминоз, ретинол, каротиноид, гемоглобин, умумий оқсил, глюкоза, премикс, Вита - прем, монокальцийфосфат, пробиотик.

**Кириш.** Паррандачилик халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Паррандаларнинг генетик потенциали даражасида маҳсулдорлигини таъминлашнинг назарий асослари ва профилактик тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кунда ветеринария соҳаси олдидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда юқори маҳсулдор парранда зотлари ва кросслари мавжуд. Аммо паррандаларни озиклантиришдаги камчиликлар: сифатсиз озуқалар, рацион таркибида витаминлар, макро- микроэлементлар ва бошқа биологик фаол қўшимчаларнинг етишмаслиги уларнинг маҳсулдорлиги, репродуктив қобилияти ва касалликларга чидамлилигини пасайиши, уларда модда алмашинуви бузилиши касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Паррандалар организмда бир вақтнинг ўзида бир неча витамин ва минерал моддаларнинг етишмовчиликлари аралаш патология ҳолида, ноаниқ белгилар билан кечади. Шунинг учун модда алмашинуви бузилиши билан кечадиган касалликларга ташхис қўйишда клиник текширишлар ва озиқа рационларини зоотехнавий таҳлил қилиш билан бир қаторда қон, суяк ва тухум сариғида лаборатор-диагностик, бактериологик ва патологоанатомик текширишлар ўтказилиши талаб этилади.

Бугунги кунда паррандачиликнинг ривожланишига паррандаларнинг юқумли ва паразитар касалликлари сингари юқумсиз касалликлар ҳам катта тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам, паррандачилик хўжалиқларида ветеринария-санитария тадбирларини ўз вақтида олиб бориш технологик жараёнларнинг узвий қисмларидан бирини ташкил этади. Гиповитаминозларга хос бўлган клиник белгилар паррандалар организмда витаминлар фақатгина кўп миқдорда етишмаганда кузатилади. Организмда витаминларнинг оз миқдорларда етишмаслиги бир-бирига ўхшаш бўлган симптомлар билан кечади.

**Мавзунинг долзарблиги.** Паррандаларда учрайдиган юқумсиз касалликлар кўпинча омма-

**Summary**

The use of vitamin-mineral premixes and biotronics in feeding chickens leads to an improvement in the physiological norms of clinical and hematological parameters, an increase in the quality and weight of eggs by 9.7 g compared to eggs in the control group, and an increase in egg production by 18-20%.

вий тусда кечиб, технологик жараёнларнинг издан чиқиши, маҳсулот етиштириш учун харажатларнинг кўпайиши, тана вазни ортишининг ва маҳсулдорликнинг кескин камайиши ҳисобига хўжалиқларга катта зарар етказди. Паррандаларнинг юқумсиз касалликлари кўпинча ўлим билан тугайди.

Паррандалар организмда моддалар алмашинувининг бузилиши билан кечадиган касалликлар орасида гиповитаминозлар асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун тухум йўналишидаги товукларда витаминлар етишмаслиги касалликларини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб ва ўз ечимини кутаётган муаммолардан биридир.

Г.Г.Щербаков ва б. (2002), Макарецов Н.Г (2012) хулосаларига кўра витаминли ўт уни - товуклар рационига қўшилиши шарт бўлган компонентлардан бири ҳисобланади. Сояда қуритилган ўт унлари таркибидаги каротиндан паррандаларнинг организмда ретинол синтезланади. Ўт унларидан ёш жўжаларнинг рационига 3 - 5%, катта ёшдаги товуклар учун 5 - 10% ҳисобида қўшилиши шартдир.

А.А.Ханников (2011) товукларда ретинол етишмовчилигини даволаш ва олдини олиш учун рационни такомиллаштиришни, рационга каротин кўп сақловчи озуқалар, қизил сабзи, кўк ўтлар, ўт уни, А витаминнинг ёғли эритмаси ва балиқ мойи беришни тавсия этган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Тухум йўналишидаги товукларда гиповитаминозларнинг тарқалиши, иқтисодий зарари, сабаблари, симптом ва синдромлари, қон ва тухум таркибининг морфобиокимёвий ўзгаришларини ўрганиш, касалликга эрта ташхис қўйиш ва самарадорлиги юқори бўлган гуруҳли профилактика усулини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдан иборат.

**Текширишлар жойи, объекти ва услублари.** Илмий тадқиқотларнинг экспериментал қисми Самарқанд вилояти, Самарқандпарранда АЖ қўшма корхонаси паррандачилик фермер хўжалигида ва

СамВМИ вивариясида, лаборатория текширишлари “Парранда, балиқ, асалари ва мўйнали ҳайвонлар касалликлари кафедраси”да бажарилди.

Текширишлар объекти сифатида 45-46 ҳафталик Ломанн Браун Классик зотли товуқлар олиниб, улардан ҳар бири 10 бошдан иборат бўлган 3 та гуруҳ тузилди. Тажриба гуруҳларидаги паррандаларнинг сақланиш шароитлари ва рацион таркиби бир хил бўлиб, назорат гуруҳидаги товуқлар хўжалик рационида озиклантирилди, биринчи тажриба гуруҳидаги товуқларга хўжалик рационига (гранулали ем) қўшимча Витапрем (витами́нлар) -1 г /кг, Витапрем (минераллар) -1 г /кг, монокальцийфосфат - 12 г /кг миқдорда, иккинчи тажриба гуруҳга (гранулали ем) қўшимча равишда Витапрем (витами́нлар) -1 г /кг, Витапрем (минераллар) -1 г/кг, монокальцийфосфат - 12 г /кг, пробиотик (*Lactobacterium* etc.) – 0,1 г /кг миқдорда қўшиб берилди. Тажрибалар 60 кун давом этди.

Тажриба ва назорат гуруҳидаги товуқларда клиник ва гематологик текширишлар ҳар 20 кунда бир марта ўтказилди. Товуқлардан олинган қон намуналарида гемоглобин миқдори (гемоглобинцианидли усули), глюкоза (Ортотолуидин билан рангли реакция), умумий оксил (Рефрактометрик усули), ва тухум таркибидаги витамин А (ретинол) ҳамда каротиноидлар миқдори (спектрофотометрик усулда) аниқланди. Товуқларда тухумнинг сифат кўрсаткичлари органолептик усулда, тухум оғирлиги электрон FEJ-1000В тарозисида ўлчаш ёрдамида аниқланди.

Қон зардобидаги лизоцим активлик нефелометрик усулда (Дорофейчук В. Г, 1968), фагоцитар активлик – фагоцитар нейтрофилларни 100 та катакчада санаш орқали, бактерицид активлик – И.М. Карпуть (1993) бўйича аниқланди.

Рақамлар орасидаги хатолар Студент жадвалида аниқланди. Илмий текширишлар натижасида олин-

ган барча рақамли маълумотлар Е.К.Меркурьева услуби бўйича математик ишловдан ўтказилиб, ўртача арифметик қиймат, ўртача арифметик қийматнинг квадратик оғиши, ўртача арифметик қиймат хатоси, ўзгарувчанлик коэффициенти, ишончлилик мезони аниқланди. Ишончлилик даражаси (P) эса Стьюдент жадвали бўйича топилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** Тажрибалар давомида ҳар 20 кунда бир марта товуқларда клиник, гематологик ва иммунологик текширишлар ўтказиб турилди.

Товуқларда тажрибаларнинг бошида барча гуруҳларда камқонлик, патларнинг хурпайиши, иштаҳанинг камайиши, семизлик даражасининг пасайиши каби клиник белгилар кузатилди. Бу клиник белгилар тажрибаларнинг охирида фақат назорат гуруҳида сақланиб қолди. Тажриба ва назорат гуруҳидаги товуқларда гематологик кўрсаткичлар аниқланганда тажрибаларнинг бошида назорат гуруҳида гемоглобин миқдори ўртача  $98,2 \pm 2,40$  г/л ни, биринчи тажриба гуруҳида  $102,0 \pm 1,20$  г/л, иккинчи тажриба гуруҳида ўртача  $90,8 \pm 1,22$  г/л ни ( $P < 0,05$ )ташқил этди.

Тажрибаларнинг охирига келиб гемоглобин миқдорининг назорат гуруҳида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ўртача 1,7 г/л га камайганлиги, 1- тажриба гуруҳида ўртача 4,0 г/л га, 2- тажриба гуруҳида ўртача 8,2 г/л га ошганлиги қайд этилди. Тажрибадаги товуқлар қон зардобидаги умумий оксил миқдорининг тажрибалар давомида назорат гуруҳида ўртача  $42,6 \pm 0,26$  г/л дан,  $40,4 \pm 0,40$  г/л гача камайганлиги, 1- тажриба гуруҳида ўртача  $42,8 \pm 0,22$  г/л дан  $48,2 \pm 0,36$  г/л гача, 2- тажриба гуруҳида ўртача  $44,0 \pm 0,20$  г/л дан  $52,5 \pm 0,32$  г/л гача кўпайганлиги кузатилди. Товуқлар қонидаги глюкоза миқдори назорат гуруҳида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан тажриба охирида ўртача  $4,72 \pm 0,40$  ммоль/л дан  $4,64 \pm 0,32$  ммоль/л га камайганлиги аниқланди.

1-жадвал.

Тажрибадаги товуқлар қони ва тухум саригининг биокимёвий кўрсаткичлари  $n=10$ .

Тажриба гуруҳлари	Текшириш вақти	Гемоглобин, г/л	Умумий оксил, г/л	Глюкоза, ммоль/л	Тухум саригида	
					Ретинол, мкг/г	Каротиноидлар, мкг/г
Назорат	А	$98,2 \pm 2,40$	$42,6 \pm 0,26$	$4,72 \pm 0,40$	$5,2 \pm 0,10$	$12,6 \pm 0,20$
	Б	$98,0 \pm 1,92$	$42,8 \pm 0,34$	$4,68 \pm 0,36$	$5,0 \pm 0,12$	$12,4 \pm 0,18$
	С	$96,5 \pm 1,20$	$40,4 \pm 0,40$	$4,64 \pm 0,32$	$4,6 \pm 0,20$	$10,6 \pm 0,20$
1 - тажриба	А	$102,0 \pm 1,20$	$42,8 \pm 0,22$	$4,70 \pm 0,22$	$5,2 \pm 0,10$	$12,1 \pm 0,18$
	Б	$112,1 \pm 1,24$	$45,6 \pm 0,24$	$5,28 \pm 0,20$	$6,2 \pm 0,12$	$16,4 \pm 0,20$
	С	$106,0 \pm 1,20$	$48,2 \pm 0,36$	$5,36 \pm 0,34$	$6,8 \pm 0,16$	$18,3 \pm 0,16$
2 – тажриба	А	$99,8 \pm 1,22$	$44,0 \pm 0,20$	$4,76 \pm 0,42$	$5,4 \pm 0,22$	$12,4 \pm 0,20$
	Б	$114,0 \pm 1,32$	$49,8 \pm 0,32$	$5,38 \pm 0,40$	$7,8 \pm 0,14$	$16,0 \pm 0,20$
	С	$108,0 \pm 1,18$	$52,5 \pm 0,32$	$5,58 \pm 0,42^*$	$8,6 \pm 0,16^*$	$24,2 \pm 0,18^*$

Эслатма: А-тажриба бошида; Б-тажриба ўртасида, С-тажриба охирида



Биринчи тажриба гуруҳида тажрибалар бошида қондаги глюкоза миқдори ўртача  $4,70 \pm 0,22$  ммоль/л дан тажриба охирида ўртача  $5,36 \pm 0,34$  ммоль/л га, 2-тажриба гуруҳида шунга мос равишда  $4,76 \pm 0,42$  ммоль/л дан  $5,58 \pm 0,42$  ммоль/л гача кўпайиб бориши кузатилди. Тажрибалар давомида тажриба ва назорат гуруҳидаги товуклар тухумининг сариғи биокимёвий таҳлил қилинди. Бунга кўра назорат гуруҳидаги товукларда тухум сариғидаги ретинол миқдори тажрибалар бошида ўртача  $5,2 \pm 0,10$  мкг/г ни, тажрибалар охирида эса ўртача  $4,6 \pm 0,20$  мкг/г ни ташкил этди, яъни ўртача  $0,6$  мкг/г га ( $P < 0,05$ ) камайиши характерли бўлди.


Тухум сариғи таркибидаги ретинол миқдори 1-тажриба гуруҳида тажрибаларнинг бошида ўртача  $5,2 \pm 0,10$  мкг/г дан  $6,8 \pm 0,16$  мкг/г гача, 2-тажриба гуруҳида ўртача  $5,4 \pm 0,22$  мкг/г дан  $8,6 \pm 0,16$  мкг/г гача ошганлиги, каротиноидлар миқдори шунга мос ҳолда назорат гуруҳида ўртача  $12,6 \pm 0,20$  мкг/г дан  $10,6 \pm 0,20$  мкг/г гача камайиши, 1-тажриба гуруҳида ўртача  $12,1 \pm 0,18$  мкг/г дан  $18,3 \pm 0,16$  мкг/г гача, 2-тажриба гуруҳида эса бу кўрсаткичнинг ўртача  $12,4 \pm 0,20$  мкг/г дан  $24,2 \pm 0,18$  мкг/г гача ( $P < 0,05$ ) ошиб бориши билан характерланди (1-жадвал).

Товуклар гиповитаминозларининг олдини олиш воситаларини уларнинг иммунологик хусусиятларига таъсирини ўрганиш мақсадида бактерицидлик, фагоцитар ва лизоцим фаолликлари аниқланди. Тажрибалар натижасига кўра бактерицид активлик назорат гуруҳида тажриба охирига келиб ўртача  $32,16$  %ни, фагоцитар активлик  $37,20$  %ни, лизоцим  $15,01$  %ни ташкил этди. 1-тажриба гуруҳида шунга мос равишда ўртача  $34,61$ %,  $30,90$ % ва  $17,20$ %, 2-тажриба гуруҳида ўртача  $36,44$ %,  $43,05$ % ва  $18,6$ % ни ташкил этди (1-расм).

Тажрибалар натижаларини таҳлил қилиш асосида Витапрем витаминлар ва минерал моддалар мажмуасининг Пробиотик (*Lactobacterium etc.*) билан биргаликда қўлланилиши тухум йўналишидаги товуклар организмда кечаётган витамин ва минерал модда алмашинуви жараёнига ижобий таъсир этганлиги аниқланди. Организмда моддалар алмашинувининг жадаллашуви уларнинг тухум маҳсулдорлигини назорат гуруҳига нисбатан  $18-20$  фоизгача кўпайишига олиб келди.

Товуклар организмда бактерицид, лизоцим ва фагоцитар активликларнинг ошишини қўлланилган витаминлар ва пробиотикнинг улар организмга самарали таъсири билан изохлаш мумкин. (Стаценко М.И., 2017).

Тажрибадаги товукларга берилган профилактик воситаларнинг улар организмга ҳамда товуклар тухумининг сифат кўрсаткичларига таъсири ҳам тажриба ва назорат гуруҳларида тажрибалар давомида сезиларли даражада ўзгарганлиги кузатилди. Тажрибаларимиз бошланишида тажриба ва назорат



1-расм. Тажрибадаги товукларнинг иммунологик кўрсаткичлари n=10.

Изоҳ: А- тажриба бошида; Б-ўртасида; С-охирида.

гуруҳидаги товукларнинг тухум оғирлиги ўртача  $56,8 \pm 5,06$  гр ни ташкил этган бўлса, тажрибаларнинг охирига келиб, биринчи тажриба гуруҳидаги товуклар тухумининг оғирлиги ўртача  $62,4 \pm 8,20$  гр ни, иккинчи тажриба гуруҳидан олинган тухумлар оғирлиги ўртача  $66,5 \pm 6,46$  гр ни, назорат гуруҳидаги товукларда ўртача  $58,6 \pm 6,04$  гр ни ташкил этди.

**Хулоса.** Тухум йўналишидаги товуклар рационига Витапрем (витаминлар) 1г/кг, Витапрем (минераллар) 1г/кг, монокальцийфосфат - 12 г/кг, Пробиотик (*Lactobacterium etc.*) 0,1 г /кг миқдорда қўшиб берилиши товуклар организмга ижобий таъсир этиб, уларнинг клиник, гематологик ва иммунологик кўрсаткичларини меъёрлар даражасида яхшиланиши ҳамда товуклар тухум вазнининг назоратга нисбатан ўртача 9,7 граммга ва тухум бериш фоизи ни  $18-20$  % га ошувини таъминлайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Внутренние болезни животных / Г.Г. Щербаков, А.В. Коробов, Б. М. Анохин и др. СПб: Лань, 2002. - 736 с.
2. Кондрахин И.П. Левченко В.И. Диагностика и терапия внутренних болезней животных М.: Аквариум-Принт 2005.
3. Кормление сельскохозяйственных животных: Учебник для вузов/ Макарецов Н.Г. Калуга: Издательство «Ноосфера» 2012. - 642 с.
4. Меркурьева В.К. Биометрия в селекции и генетике сельскохозяйственных животных. – М., Колос, 1970. – 311 с.
5. Норбоев К.Н. Бакиров Б.Б. Эшбўриев Б.М. Хайвонларнинг ички юқумсиз касалликлари. Дарслик, 2007.
6. Справочник зоотехника/ А.П.Калашников, О.К. Смирнов и др. М.: -Агропромиздат, 1986, С.-332-334
7. Стаценко М.И. Профилактическое действие стимуляра при нарушении обмена веществ у сельскохозяйственной птицы. Автореф. дисс. . канд, вет. наук. Казань. 2017. 21.с.
8. Ханников А.А. Справочник ветеринарного специалиста. 2011. 475. С.



## ПАРРАНДАЛАРНИ НЬЮКАСЛ КАСАЛЛИГИГА ТАШХИС ҚЎЙИШ

Паррандаларни юқумли касалликларига аниқ, тезкор ва сифатли лаборатор ташхис қўйиш паррандачилик соҳасини ривожлантиришда, парранда махсулотлари кўпайиб, нархи арзонлашида ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ньюкасл касаллиги (Morbus newcastle, псевдочума) товуксимонлар отрядига мансуб паррандаларни юқори контагиозли вирус касаллиги бўлиб, нафас олиш органлари, ҳазм қилиш ва марказий асаб системасининг касалланиши билан ифодаланади.

Ньюкасл касаллиги 1926 йили Ява Краневальдом оролида қайт этилган. 1927 йилдан бу касалликни Осиё, Америка ва Европанинг кўп давлатларида аниқлашган. 1927 йили Англиялик олим Дойль бу касалликни Ньюкасл шаҳри атрофида аниқлаб, касалликни ушбу шаҳар номи билан номлаган. Ҳозирги кунда Ньюкасл касаллиги Европа, Осиё, Африка, Америка қитъаларининг кўп давлатларида кенг тарқалган ва паррандачилик соҳасига катта зарар етказмоқда. Фақатгина Океания давлатларида бу касаллик қайт этилмаган.

Касаллик қўзғатувчиси РНК ли парамиксовирусларга мансуб Paramyxoviridae оиласиги кирувчи вирус. Вируснинг кўп миқдордаги штамлари турлича, шунинг учун касалликни кечиши бронхит, парранда гриппи, ёки ларинготрахеит касалликларига ўхшаб кетади, бироқ вирулентлиги – касаллик қўзғатиш қобилияти билан анча фарқланади. Хўжаликда касаллик қўзғатувчиси биринчи бор учраганда 100 % парранда бош сони касалланиши ва касалланган паррандаларнинг 60-90 % нобуд бўлиши мумкин. Табиий шароитларда Ньюкасл касаллиги билан товуксимонлар отрядига мансуб паррандалар касалланади. Бироқ бу касаллик билан касаллик қўзғатувчисини уй паррандаларига нисбатан узоқ масофага ташувчи ёввойи паррандалар мисол учун чумчуқлар ва каптарлар касалланган ҳолатлар аниқланган.

Касаллик манбаи бўлиб – касалланган ва касалланиб тузалган парранда ҳисобланади ва вирусни нафас чиқарганда, тухум тукқанда ва бошқа барча табиий ажратмалар билан ташқарига ажратиб чиқаради. Парранда касалланганидан бир сутка ўтгач ташқи муҳитга вирус чиқаришни бошлайди ва тузалганидан кейин 4 ойгача организмда вирус сақланади. Шунингдек касал парранда сақланган бино вентиляциядан ҳайдалган ҳаво орқали 5 км гача учиб соғлом паррандалар учун хавф туғдириши мумкин. Махсулот ва чикиндилар билан вирус ҳаво орқали 15 км гача етиши мумкин.

Касаллик асосан алиментар, аэроген ва контакт йўллари билан юқади. Касаллик кўпинча эпизоотия ҳолатида кечади, ёз, куз мавсумига мойиллиги бор.

Парранда паразитлари узоқ муддат вирус ташувчи вазифасини бажаради. Масалан, Ньюкасл касаллиги қўзғатувчи вирус 200 кундан ортиқ Argus Persicos канаси организмда яшай олади. Шунингдек, вирус Ascaridae galli паразитида яшаб унинг тухуми билан ташқарига чиқади, ташқи муҳитда узоқ муддат сақланади ва соғлом паррандаларда касаллик қўзғатади.

Вирус организмга тушганда қон орқали ҳар хил тўқима ва органларга етиб боради ва марказий асаб системаси, нафас олиш ва ҳазм қилиш орган-







ларини фоолиятини ишдан чиқаради. Дастлаб вирус эндотелияда кўпаяди натижада қон томир хужайралари бўшашиб некротик ҳолат ривожланади, оқибатда сероз ва шиллиқ пардаларда кўп сонли қон қуйилишлар пайдо бўлади. Бир суткадан кейин паренхиматоз органларда дистрофик ўзгаришлар юзага келиб, умуртқа ва бош мия шикастланиши оқибатида нерв системаси фоолиятида бузилиш кузатилади. Касалликнинг инкубацион даври икки кундан икки ҳафтагача давом этади.

Ньюкасл касаллиги ўткир, ўртача ўткир ва сурункали кечади, шунингдек, ўта ўткир формаси ҳам кузатилиши мумкин, бунда касалланган паррандалар 90% гача нобуд бўлади, бу формани Осие штаммлари келтириб чиқаради.

Ньюкасл касаллигига лаборатор таъхисни қўйишда қуйидаги усулларидадан фойдаланилади:

а) Вирус ажратиш усули.

Вирус ажратиш усулини моҳияти эмбрионларда вирусни патоген таъсирини аниқлаш. Унинг гемагглютинацияси ва серологик усулда идентификация қилиш ва ажратилган вирусни титри ва вирулентлигини аниқлаш.

10 донга 9-10 суткалик (РЭК) эмбрионларга касаллик юктирилди. Ҳар қайси эмбрионлардан олинган суюқликни (РГА) орқали вирусни гемагглютининг фаоллиги текширилди. Агар текширилаётган намунада гемагглютинация кузатилмаса, натижа салбий ҳисобланади. Агар гемагглютинация кузатилса, на-

тижа ижобий ҳисобланиб, ажратилган вирусни идентификация қилинади, титр ва вирулентлиги аниқланади.

б) Гемагглютинация реакцияси қўйиш.

Гемагглютинация реакциясининг моҳияти Ньюкасл касаллиги вирусини товук эритроцитларини агглютинация қилиш қобилиятини билиш.

Текширилаётган намуна пробирка остида тескари зонтик шаклида эритроцит чўкмаси ҳосил бўлса ижобий натижа берган ҳисобланади. Салбий натижада текширилаётган намуна пробирка остида четлари теккис диск шаклида чўкма ҳосил бўлади.

в) Вирус идентификацияси

Вирусни идентификация қилиш усулини моҳияти специфик антитаначаларни РТГА реакциясида Ньюкасл касаллиги вирусига эталон специфик зардоб билан вирусни гемагглютинация қобилиятини нейтралзация қилиш ва касалланган, касалланиб тузалган паррандаларнинг қон зардобдаги антитаначаларни Ньюкасл касаллиги вирусини эталон диагностик антигени билан типизация қилиш.

Ньюкасл касаллигига специфик зардоб вируснинг гемагглютининг фаоллигини тўлиқ тўхтатса РТГА ижобий ҳисобланади.

г) Вирусни титрлаш

Вирусларни титрлаш усулининг моҳияти (РЭК) товук эмбрионларида вирус титрини аниқлаш. Касаллик юктирилган эмбрионлардан олинган экстра-эмбрионал суюқликдан РГА реакцияси қўйилади.

д) Вирус вирулентлигини аниқлаш

Вирус вирулентлигини аниқлаш усулининг моҳияти (РЭК) товук эмбрионларида вирус вирулентлигини аниқлаш. Минимал летал доза юборилган 9-10 суткалик товук эмбрионларини ўртача ўлиш муддатини аниқлаш билан вирус типизация қилинади.

е) Спецефик антитаналарни аниқлаш.

Спецефик антитаналарни аниқлаш усулининг моҳияти касал ва касалланиб тузалган паррандаларнинг қон зардобдаги антитаначаларни РТГА реакциясида вируснинг гемагглютинация таъсирини тўхтатиш.

**К.Шуқуров, К.Бакирова, Э.Ҳакимов,**

*Республика хайвонлар касалликлари таъхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази вирусология лабораторияси*

УДК. 636.2:636.085:634

Абдусаттор Юсупов, доцент, техника фанлари номзоди,  
Шохиста Ашурова Ишниязова, доцент, кимё фанлари номзоди,  
Ахматхон Турсунов, доцент, кимё фанлари номзоди, Дилшод Тўраев, ассистент,  
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

## ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ЧИҚИНДИЛАРИДАН ЧОРВА МОЛЛАРИ УЧУН ОЗУҚАВИЙ ҚИЙМАТИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ЕМ-ҲАШАК ТАЙЁРЛАШ

### Аннотация

В эпоху глобализации, качество и безопасность пищевых продуктов становятся все более актуальным. В стране для последовательной реализации мер в этом направлении и для полного удовлетворения потребностей населения в животноводческой и птицеводческой продукции становится необходимым создание кормовой базы для полноценного питания животных, а также, для рентабельности производства по переработки фруктов и овощей развитие безотходного производства. В работе приводятся данные по использованию отходов по переработке яблок и возможность применения его для корма животным.

**Калим сўзлар.** Прессланган олма чиқит (тўппа)си, пичан ёки сомон похоти, чорва озуқасини сақлаш ўраси, тузли эритма полиэтилен қопламаси.

**Материаллар ва методлар.** Ҳозирги вақтда мавсумда етиштирилган олма меваларини сақлаб ва қайта ишлаб йил мобайнида аҳолига этказиб берилмоқда. Маълумки олмани майдалаб уни сиқиб шарбати олинади. Шарбат ажратиб олингандан кейин қолган қисми тўппа дейилади. Тўппани транспортер ёрдамида чиқитга чиқариб юборилади. Ушбу тўппа чиқити компот ишлаб чиқаришда 30-40%, пюре ишлаб чиқаришда 10-18%, шарбат ишлаб чиқаришда 23-47% ни ташкил этади. Чиқит таркибида пектин, қандлар, органик кислоталар ва хом-ашёнинг бошқа нодир компонентлари мавжуд бўлиб, уларни чорва озуқаси, ўғит сифатида ишлашиш мумкин ёки улардан спирт, сирка олинади.

Шарбат олишда ҳосил бўлган олма чиқитининг кимёвий таркибида умумий қанд миқдори – 6–12%; пектин 1–2%; целлюлоза – 1–2%; ошловчи ва рангловчи моддалар – 0,12–0,16%; кул (минерал таркиб) – 0,3–0,4%; умумий кислоталилик 0,3–0,7%; прессланган чиқит рН 3,6–3,8. Бу чиқитлар маҳсус майдонларга тўкилади ва уни ёйилиб, қуритилади. Қуритилган материални чорва учун озуқа сифатида фойдаланилади. Бу жараёнда қўл меҳнати кўп ва иш унумдорлиги паст, қуритиш учун кўп вақт сарфланади. Бундан ташқари маҳсулот маҳсус майдонга ёйилганда маҳсулотга асфальт бўлақлари ва тошлар аралашиб маҳсулотнинг сифатини ёмонлаштиради.

Маълумки юртимизда кўплаб миқдорда чорва моллари учун экинлар етиштириб олинади.

### Summary

In the era of globalization, the quality and safety of food products are becoming more and more urgent. For the purpose of consistent implementation of measures in this direction in the country and full satisfaction of population's livestock production needs, strengthening of poultry breeding and poultry breeding base: strawberries from hay or wheat crops have been studied for persistent storage of animal feed.

Етиштирилган экиндан озуқабоп ўтлари самон похоти, пичан, пичан уни ҳолида чорва молларига ем-ҳашак сифатида фойдаланилади. Олинган сомон похоти, пичан қорамол, от ва қўйларнинг оғилдалик даври учун дағал, кенг ҳажмли озуқасини намоён қилади.

Пичаннинг озуқавийлиги ва мазалиги қатор омилларга боғлиқ: ўтнинг ботаник тавсифидан, тупроқ-иклим шароитидан, йиғим вақтидан ва усулидан, йиғим вақтидаги об-ҳаводан. Таркибида дуккакли ва бошоқли экин ўтларини сақлаган пичан катта озуқа қийматига эга. Ўз навбатида пичаннинг ботаник таркиби сезиларли даражада табиий тупроқ иқлим шароитларига ҳам боғлиқ.







Пичаннинг сифати, шунингдек йиғим вақтига ҳам боғлиқ, чунки йиғим кечга қолганда унинг таркибида катта миқдорда клетчатка йиғилади, пичандаги озуқа моддаларнинг ҳажми камайди, хушхўрлиги йўқолади.

Ўтларни сунъий қуритганда кўп миқдордаги витаминлар ва тўлалигича оксил сақланади. Шунингдек емнинг кимёвий таркиби бўйича барча компонентларнинг ўзлаштирилиши ошади. Яхши сифатли пичан тўлақонли оксиллар, углеводлар, минерал моддалар ва витаминларнинг манбаи ҳисобланади 100 кг пичан типига боғлиқ ҳолда 52 - 35 озуқа бирлигига 11,6 - 3,6 кг ҳазм бўлувчи протеинга тенг. Сомон омукта ем сифатида қиймати паст бўлиб, қуйидаги озуқавий хоссага эга. Баҳорги буғдой сомонининг 100 килограмми 20 озуқа бирлигига тенг ва 1,2 кг ҳазм бўлувчи протеин сақлайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб ушбу маҳсулотлардан чорва моллари учун тўйимли озуқа тайёрлаш йўллари ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** Олма шарбати тўппасини исроф қилмасдан улардан самарали фойдаланиш мақсадида ҳамда чорва ҳайвонларининг тўйимли озуқа базасини кўпайтириш йўлида йилнинг август-сентябрь ойларида қуйидаги ишларни амалга оширдик. Биринчи навбатда сизот сувлари ер юзасидан анча узокда жойлашган ерда - чуқурлиги 3 м, эни 4 м, бўйи 4 м ҳажмдаги ўра қозиб олинди. Иккинчидан ушбу ўра устунлари ва ости бўйлаб полиэтилен қопламаси қопланади. Кейинги навбатда дастлаб 80-100 кг миқдорда сомон похоти ўра остига бир хил тақсимланган ҳолда ёйилиб, унинг устидан эса 20 см қалинликда олма тўппаси ёйиб чиқилиб, прессланади. Жараён шу тарзда олиб борилиб хомашё сарфи ва иш сифати назорат қилиб борилади.

Ўра маҳсулот хом-ашёси билан тўлгандан кейин устидан 500-600 литр ҳажмдаги тузли эритма хомашё устидан сепилиб, усти полиэтилен қоплама билан ёпиб қўйилади. Маҳсулот тайёр бўлгунга қадар вақти-вақти билан назорат қилиб турилади.

Умумий ҳисобда 3x4x4 м<sup>3</sup> ҳажмли ўрага маҳсулот тайёрлаш учун хом-ашё сарфи қуйидагича: 32 тонна олма шарбатининг тўппаси, 2,16 тонна сомон похоти ва 200-300 литр тузли эритма ҳамда 65-70 м<sup>2</sup> полиэтилен қоплама ва қўшимча материаллар сарфланади.

**Хулоса.** Хулоса ўрнида айтиш жоизки, озиқ-овқат саноати чиқиндиларини қайта ишлаш орқали озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватини оширибгина қолмасдан, маҳсулотлар ассортиментларини кенгайтириш, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган талабини янада тўлароқ қондириш ва чорва ҳайвонлари учун тўйимли озуқа рационини тайёрлашимиз мумкин. Қолаверса сомон пахоти, пичан каби чорва озуқаларини қорамол, от ва қўй-эчкиларнинг оғилдалиқ даври учун дағал ҳашак сифатида эмас, балки озуқавий қиймати бойитилган озуқа сифатида етказиш мумкинлигини таъкидлаймиз. Бу ишларни амалга ошириб биз озиқ-овқат дастур, қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги “Омухта ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ижросини таъминлашда ҳисса қўшган бўламиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги “Омухта ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
3. Эгамова К. Мева ва сабзавот маҳсулотларини консервалаш ҳамда сақлаш технологияси 2003 йил.
4. Г.А. Прищепина. Технология хранения и переработки продукции растениеводства с основами стандартизации. Учебное пособие. Барнаул. Издательство АГАУ 2007.
5. Бобоев С.Д., Эргашева Х.Б. Омухта ем технологияси фанидан маърузалар матни. Бухоро. 2008 йил.
6. Қ. Додаев. Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси. Дарслик. Тошкент. 2009 йил.

## ТАНИҚЛИ ОЛИМ, ФИДОЙИ ИНСОН



Орамизда шундай инсонлар борки, ҳаётнинг маъносини одамларга яхшилик қилиш, оқибатли бўлиш, уларни эзгулик ва маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш деб тушунади. Жонкуяр устоз, иқтидорли олим, пиру-бадавлат инсон, ветеринария фанлари доктори, профессор Ақтам Ғафурович Ғафуров бутун умрини ана шу амалларга бағишлаган инсон саналади.

А.Ғ.Ғафуров 1944 йил Самарқанд вилоятининг Ургут туманида таваллуд топди ва Иштихон туманида ўсди, улғайди. Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтига оддий таҳлилчи сифатида ишга қабул қилинди. Илмга қизиқувчанлиги уни Москва Ветеринария академиясининг ветеринария факультетига етаклади. Мазкур даргоҳда 1972-1978 йиллар давомида таҳсил олди, етук олимлардан илм-фан сирларини ўрганди. Натижада 1982 йил ветеринария фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. Илмга, фанга қизиқиши натижасида ўқиди, изланди, тадқиқотлар олиб боришдан чарчамади. 1998 йил ветеринария фанлари доктори илмий даражасини олишга эришди. Тинмай изланиш, шогирдларни қўллаб-қувватлаш, илм фаннинг чўққиларига эришиш йўлида хизмат қилиш натижасида профессор илмий унвонига сазовор бўлди.

Олим қарийиб самарали ярим асрлик умрини илм-фан соҳасига бағишлаганлигидан бутун Республикамиздаги чорвадорлари орасида хурмат эътиборга сазовор бўлди. Чунки домла бутун илмини қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг протозой касалликларини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга бағишлаган. Шу муносабат билан узоқ йиллар давомида Республикамизнинг барча вилоятларидаги амалиётчи чорвадорлар билан тез-тез учрашиб, кимматли маслаҳатларини бериб, илмий семинар йиғилишларида маърузалар билан қатнашиб келмоқда. Устоз, шогирдлари билан ҳамкорликда 350 дан зиёд илмий мақолалар, 5 та Ихтироликка патент, 3 та монография, 1 та ўқув қўлланма ва кўплаб тавсияномалар, йўриқномалар ва қўлланмалар муаллифи саналади. Устоз томонидан 3 нафар фан доктори ва 4 та фан номзоди тайёрлаган.

Устоз Европа Иттифоқининг «Тропические болезни ветеринарной медицины» жамиятининг аъзоси. Ушбу жамиятнинг Тошкент, Германия, Гамбург, Рим-Орвиетога бўлиб ўтган Халқаро конференциялари иштирокчиси ва маърузачиси. Бундан ташқари Россия, Украина, Қозоғистон каби МДХ давлатларида бўлиб ўтган Халқаро конференцияларда маърузалар билан иштирок этган.

Машаққатли илм йўлини босиб ўтган, тиниб-тинчимас олим, ветеринария фанлари доктори, профессор Ғафуров Ақтам Ғафурович бугун табаррук 75 баҳорни қарши олмоқда. Оилада, жамоада ўз ўрнига эга устоз турмуш ўртоғи Раиса Петровна билан икки ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказишди. Ҳозирда улар халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилишмоқда. Устоз 7 нафар неваранинг ва 2 чеваранинг суякли бобоси.

Биз олимни ушбу муборак ёш билан самимий табриқлаб, фанимиз ва жамиятимиз тараккиётига яна узоқ йиллар хизмат қилишини тилаб қоламиз.

Б.А.Элмуратов, ВИТИ директори, в.ф.д.,

## ТАНИҚЛИ ОЛИМ, ИЛМ ФАН ФИДОЙИСИ ЭДИ



Инсонни элга танитадиган омилар ичида илм, меҳнат, касбга садоқат биринчилардан саналади. Жонкуяр устоз, иқтидорли олим, ветеринария фанлари доктори, профессор Тўлқин Ҳайдарович Рахимов ҳаёт бўлганларида 16 октябр куни 90 ёшни қаршилаган бўлар эди.

Т.Ҳ.Рахимов 1929 йил 16 октябр куни Самарқанд вилоятининг Хатирчи туманида ишчи оиласида таваллуд топди. 1954 йил институтни *имтиёзли* диплом билан тамомлагач, Хатирчи туманида ветеринария врач, ветеринария участкаси бошлиғи вазифаларида ишлади. Илмга қизиқувчанлиги Бутуниттифок экспериментал ветеринария институти аспирантурасига етаклади. Аспирантурани 1965 йилда муваффақиятли якунлаб, биологика фанлари номзоди илмий даражасини олиб, яна жонажон институтига қайтиб, талабаларга илм-фан сирларини ўргата бошлади. Илм-фанни севганлиги, меҳр қўйганлиги сабабли 1967 йил Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот институти Протозоология лабораториясига ишга қабул қилиниб, шу лабораторияга 1970 йилда мудир қилиб тайинланиб, қарийиб 25 йил давомида самарали бошқарди. 1976 йил ветеринария фанлари доктори илмий даражасини, 1977 йил эса профессор илмий унвонини олди. Домла раҳбарлигида 5 та фан доктори ва 25 дан зиёд фан номзодлари тайёрланди.

Ветеринария фанлари доктори, профессор Рахимов Тўлқин Ҳайдарович қайси лавозимда ишламасин, ҳамиша тўғри сўзлилиги, меҳрибонлиги, билимдонлиги ва ишга маъсулият билан ёндашиши орқали ажралиб турар эди. Шогирдларига меҳрибон, фарзандларига, набираларига ғамхур, беназир, ўз соҳасининг билимдони Тўлқин Ҳайдаровичнинг парлоқ хотираси қалбимизда абадий яшайди. Азиз устоз, охиратингиз обод бўлсин!

Ў.И. Расулов, ВИТИ катта илмий ходими,  
ветеринария фанлари номзоди